

Омонцмоҳ, Мутал



Бойчечак



Тошкент-2012

УДК: 821.512.133-1

ББК 84(5У)7 - *Ушб. араб.*

M92

Мутал, Омонуллох.

Бойчечак / О.Мутал. - Тошкент: Nihol, 2012. 48б.

ISBN 978-9943-23-040-8

УДК: 821.512.133-1

ББК 81.2Узб

*HD 40311
1*

2168	Alisher Navoiy
10238	© "Ofset Print" МЧЖ, "Nihol" нашриёти © Омонуллох Мутал Uzbekiston MK



Бойчечак

Қор кўрпа тўшалган, остида чечак,
Мудраганга солиб ётар ўзини.
Гул япроқлари жунжиган андак,
Изғирин аямай савар юзини.

Даҳшатли довулни қилмайди парво,
Қаҳратон совуққа бермас сўзини.
Сабру қаноатда бойчечак танҳо,
Қор кетмай жилмайиб очар кўзини.





Манзара

Ёмғир ёғар, майсалар яйрар,
Энтикишиб олишар нафас.
Ёрин чорлаб бақалар сайрар,
Ишқ аҳлида уйғотиб ҳавас.

Томчиларни жам қилган арик,
Сув оқади шошиб, шилдираб.
Ёмғир ёғар, уст бошим жиқ-жик,
Майсазорга тўймайман қараб.





Қалбимга

Шундай яшагинки эртага ўзинг
Ўзингга қарасанг, уялиб юрма.
Нафсингни тия бил, тўқ тутгин кўзинг,
Енгил-елпи яшаш хаёлин сурма.

Бобомиз айтгандек, аслингга қайтгин,
Амалларинг мангу ўзингга ҳамроҳ.
Ҳар эзгу ишингга шукрона айтгин,
Ҳар ёмон ишингдан чекасан оҳ-воҳ.





Баҳор бошланди

Туни билан тинмади ёмғир,
Эриб кетди қишдан қолган қор.
Насим эсди энтиқиб ғир-ғир,
Нафасидан уфурди баҳор.

Дов-дарахтлар ҳали яланғоч,
Уйғонмоқда, кўтармоқда бош.
Еру кўкка улашиб қувонч,
Тонгда қулиб юз очди қуёш.





Баҳор

Сой лабида кўкарган ялпиз
Чучмома-ла куради сухбат.
Япроқлардан уфурган хуш ис
Кўнгилларга бахш этар роҳат.

Эҳтиросдан сой оқар жўшиб,
Қушлар тиним билмасдан сайрар.
Еру кўкда таралар кўшиқ,
Шудринг инган майсалар яйрар.

Насим эсиб гуркирар ялпиз,
Чучмома маст бўлиб тебранар.
Чигирткалар чалишар кўбиз,
Тонг отади, куёш сочар зар.





Яшнайверсин

Авжи баҳор яшнаган палла,
Чечакларга бурканар дала.
Ясан-тусан урф бўлиб ҳатто
Замбуруғлар ўрайди салла.

Кўнғиз кияр тиллодан либос,
Чириллайди чигиртка хуш соз.
Гулдан гулга кўниб капалак,
Бўса олиб дилдан айтар роз.

Сой бўйида хурлиқо бака
Ёрин чорлаб тинмай сайрайди.
Табиатга борлиғим садка,
Куйлашидан кўнглим яйрайди.

Қокигуллар куёшдан нусха,
Оташида товланади нур.
Эхтиросда тенги йўқ бошка,
Юрак, чўғ ол ундан тез, улгур.

Гўзалликни кўраман факат,
Бахтли ўтар умрим, ҳар оним.
Қалбимни забт этган муҳаббат,
Яшнайверсин Ўзбекистоним!



Мусича

Қахратон киш кўп жонни олди,
Мусичага аскотди бўғот.
Ризки қорнинг остида қолди,
Оғир кечди кундан-кун ҳаёт.

Силла куриб, мусича мудраб,
Туш аралаш ҳаёлга толди.
Раҳмин дариг тутмагайдир Раб,
Қалб тўридан умид жой олди.

Ёмғир ёғди уч кун эринмай,
Қанддек эриб кетди оппоқ қор.
Ёҳу, дея мусича тинмай
Яратганга айтди истиғфор.





Ёмонликни соғинма менга

Айтай гапим қалбдан, кулоқ ос,
Сўраганинг бераман сенга.

Эвазига битта илтимос,
Ёмонликни соғинма менга.

Умр жуда қисқа-ку ахир,
Гоҳи ширин, гоҳида тахир,
Ҳеч ким қолмас, ўтамиз бир-бир,
Ёмонликни соғинма менга.

Дунё бошдан-охир муаммо,
Замин қаттиқ, йирокдир само,
Ортикчадир сеники аммо,
Ёмонликни соғинма менга.

Кулганимга келмасин ғашинг,
Энсанг қотиб, чимирма кошинг,
Омон бўлсин, ўртоғим, бошинг,
Ёмонликни соғинма менга.

Эзгуликда урар юрагим,
Жонзот борки дўстим, керагим,
Барчадан бир истак-тилагим –
Ёмонликни эп кўрманг менга.



Ёлғизликдан асрасин

Ёлғизликдан асрасин Эгам,
Ҳар одамнинг бўлсин сирдоши.
Ичга ютса енгиб кўяр ғам,
Чексиз эмас инсон бардоши.

Ёлғизликдан асрасин Худо,
Ҳар одамнинг бўлсин ўртоғи.
Ҳеч ким сафдан бўлмасин хато,
Ўчиш билмай ёнсин чироғи.

Ёлғизликдан асрасин Тангри,
Ҳар одамнинг бўлсин жўраси.
Роз айтганнинг яйрайди бағри,
Енгил тортар бўлса яраси.

Ёлғизликдан асрагайдир Раб,
Ҳар одамнинг бўлсин ҳабиби.
Жуфти билан яшаради қалб,
Муҳаббатдир унинг табиби.



Ёлғизликдан асрасин Ўзи,
Ҳар одамнинг бўлсин маҳрами.
Намланмасин соғинчдан кўзи,
Ёри билан ўтсин ҳар дами.

Ёлғизликдан асрасин Аллох,
Тарк этмасин ҳеч кимни ёри.
Айриликдан тортмасин оҳ-воҳ,
Омон бўлсин дўстларнинг бори.

Ёлғизликдан асрасин Ҳолик...





* * *

Фонусдир тунда ҳилол,
Таратар нури хира.
Юлдузлар тарқоқ хаёл-
Жамлаб бўлмайти сира.

Уйку кўзни тарқ этган,
Киприklar ёпилмайти.
Маҳбубам қайга кетган?
Қидирсам топилмайти.

Сайр этгум дарё бўйлаб,
Тўлқинлар урар жўшиб.
Қийналдим ёрни ўйлаб,
Қуйилиб келар қўшиқ.

Ел эсиб алламаҳал
Аллалар, кўзим ёпгим.
Таскин топаман сағал,
Тушимда ёрни топгум...

Фонусдир тунда ҳилол,
Таратар нури хира.
Юлдузлар тарқоқ хаёл,
Жамлаб бўлмайти сира.



Ўзингни англа

Боболар дарс берган Фарбу Шарқига,
Олим бўлиб оят, ҳадис шарҳига.
Ўзгага эргашма, хато қиласан,
Оқ билан қоранинг боргин фарқига.

Самарканд, Бухоро, Хива, Тошкентга
Дунё интилади, дейди: бир кўрсам.
Жаннатни кидириб бормагин четга,
Жаннат шу юртдадир, бундай ўлка кам.

Ўзингни англаб ол, эркинг кўлингда,
Музлар эриб битди, баҳор кўнглингда.
Хавф хатар йўқ эмас, кўзинг катта оч,
Қокилиб юрмагин текис йўлингда.

Ўзлигинг йўқотмай юксалсанг агар,
Аждодлар руҳини айлагайсан шод.
Кўлни кўлга берсанг кучгайсан зафар,
Ҳар икки оламинг бўлгуси обод.



Б...

Бинафша безанди, бошланди баҳор,
Бойчечак болалаб, боғ бўлди бўстон.
Буталар бағрида булбуллар бедор,
Беқиёс бахтидан баҳраманд боғбон.

Бошоклари бўлик бўй берар буғдой,
Бежирим барглари барра беғубор.
Баҳаво буғдойзор баракага бой,
Башарнинг бахтига бор бўлсин баҳор!



Тўртликлар



Ҳар ким дош беролмас куннинг тафтига,
Айниқса, саратон олса забтига.
Дов-дарахт тик сабр қилгани учун
Кузда офтоб кўнар барглар кафтига.





Жуфти билан барқарор дунё,
Ёлғиз қолган топади заво­л.
Сир оқмаса, бир Амударё
Тўлдиролмас, курийди Орол.



2012/168 10238 17	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MNK
-------------------------	---



Эй дил, сабрда тур, кўрсанг бадфёълни,
Беҳуда гапирма оғритиб тилни.
Йўк эрса ҳақингда ёлғонлар тўкиб,
Сенга қарши кўяр сен севган элни.





Тадбиркор одамда кетади байрок,
Дунёда киши йўк унданда бойрок.
Чунки билар Раззок ишёқмаснимас
Меҳнаткаш бандани кўрар яхширок.





Тарокни мактади соч қўйган киши,
Савобга дохил деб ҳар битта тиши.
Сочи йўқ эътироз билдирди, чунки
Тарокка ҳеч қачон тушмаган иши.





Ёғоч чала ёнса бўлади кўмир,
Дам босиб ёксалар эрийди темир.
Темир аламини олар ўрмондан,
Арра, болта бўлиб кулатар бир-бир.





Ўрмонда энг зўри шубҳасиз арслон,
Тўкайда ҳукмрон аждарҳо илон.
Таффакур соҳиби бўлгани учун
Ҳар ерда, ҳар жондан қудратли инсон.





Фарзанд учун она фақат биттадир,
Она учун ҳар бир фарзанд битта дур.
Ҳар иккисин меҳрин баён айласанг,
Бир эмас, юз, минглаб дoston биттадир.





Ўзингдан ўзгага қилмагин муҳтож,
Шайтони лаинга тўлатма хирож.
Омонатни бериб кетар чоғимда
Зикрингни айтишга топайин илож.





Келдилар, кетдилар, келдик, кетамиз,
Ўтганлар ортидан бориб етамиз.
Масъулмиз, унутма ҳисоб-китоб бор,
Ҳаётдан сабоқ ол, бўлма бетамиз.





Дунёга ўч бўлма, керагича ол,
Меъёринг билмасанг, топасан завол.
Эркингни нафсингга бериб қўймагин,
Юкинг ортиб кетса, қаддинг бўлар дол.





Дунёни сув босса, деволага не,
Сирингни нодондан асраш ғамин е.
Йўқ эрса ортиқча ташвиш келтириб,
Томошангни кўрар, хузурланиб-ей.





Тартибга риоя қилмаган киши,
Тинчини йўқотар, ўнг бўлмас иши.
Охир оқибатда аҳволига вой
Бу кўйга туширган унинг қилмиши.





Ҳар кимнинг амали ўзига қайтар,
Бу нақл қадимдан, оқиллар айтар.
Ўзлигинг йўқотма, иймонинг асра,
Балчиқда беланиб қолмасин гавҳар.





Ором бахш этади ўткир устара,
Сартарош қўлида юришин кара.
Ёмоннинг қўлига тушмасин сира
Кесмоқ бўлар иши, битмайди яра.





Саҳрода шайтоннинг иши саробдир,
Ким унга эргашса, холи харобдир.
Синовли дунёда ақли ожизлар
Билмаслар не гуноҳ, нима савобдир.





Кўрқокнинг қалбида яшар хавотир,
Унинг учун душман ҳар қандай ботир.
Юзма-юз чиқишга юрак дов бермас,
Пистирма кўймоққа ҳозиру-нозир.





Сабрли одамнинг кўшдир каноти,
Режаси бўлмаса, югурмас оти.
Санамасдан саккиз демас ҳеч қачон,
Дили таскин топиб ўтар ҳаёти.





Ғариблар кўнглини овлолган кимса,
Иншооллоҳ жаннатда кўзини юмса.
Пашшадек амали филдек улғайиб,
Ўзига қайтади ортиб минг хисса.





Баъзида ожиз банда даъво қилар зўрликни,
Ўзига фахр билар мўминликмас ўрликни.
Ҳидоятдан адашиб, тентиб қолар зулматда,
Шунинг-чун ўз бошига келтиради хўрликни.



Туюқлар



Камтарин одамни одоби безар,
Мақтанчоқ манмандан кўнгиллар безар.
Суннатни тарк этма, каноатли бўл,
Ризқингни бергувчи кўймайди бе зар.





Ҳаром ема тарозидан уриб-тортиб,
Ҳалолинг бўлмаса оларлар тортиб.
Устига муттаҳам деган ном олиб,
Умрингни ўтказма ғам- андуҳ тортиб.





Ошнарлар даврада ошни ошарлар,
Тўйганин билмайди баъзи ошарлар.
Ким исрофдан кўркса, йўклик кўрмайди,
Бундай базмларнинг мингин ошарлар.





Аллоҳнинг илмини бўлмайди қолаб,
Неъматни тугамас олсанг-да қолаб.
Офтобнинг нурини сочиб қўйибди,
Булут буткул тўсмас осмонни қолаб.





Интилганди ховлиқиб тўрга,
Асир бўлди ис босган тўрга.
Тек туrolмай шўнғиган эди,
Наҳанг каби илинди тўрга.





Баҳор келса офтоб нури сочилар,
Баргаклардан қизлар бошга соч илар.
Омоч тортар бобо деҳқон шодланиб,
Элнинг ризқи арпа, буғдой сочилар.





Ирим йўк, ажратма бу ўнг, бу деб чап,
Ёлғонга гал берма, оғзин лой-ла чап.
Ҳаётда қоқилмай яшайман десанг,
Ёмону, ёвузга бергин доим чап.





Ҳеч ким айрилмасин тўдадан, тўпдан,
Ҳар кимни асрасин замбарак тўпдан.
Рақобат бўлмасин уришиш, муштлаш,
Завқ олсин кўнгиллар урилган тўпдан.





Ҳамиша эзгулик режасини туз,
Оғзингни очма гар гапингда йўк туз.
Кўпи ҳам, ками ҳам соғлиққа зиён,
Меъёрида бўлсин ошу нонда туз.





Дов-дарахт кесилса, колади тўнка,
Кўпол, кўрс одамни дейдилар тўнка.
Феълингдан топасан, сўзинг ширин кил,
Акси бўлса аммо, ўзингга тўнка.





Меҳнатинг маҳсули ўзингга тандир,
Сиҳатинг гарови чиникқан тандир.
Ҳамир нон бўлмайти ўтга тушмаса,
Олов зўр ёнмаса, окармас тандир.





Мундариха

Бойчечак.....	3
Манзара.....	4
Қалбимга.....	5
Баҳор бошланди.....	6
Баҳор.....	7
Яшнайверсин.....	8
Мусича.....	9
Ёмонликни соғинма менга.....	10
Ёлғизликдан асрасин.....	11
Фонусдир тунда ҳилол.....	13
Ўзингни англа.....	14
Б.....	15
Тўртликлар.....	16
Туюқлар.....	36

3000 с

Омонulloҳ Мутал

Бойчечак

Мухаррир: Абдужалил Хўжамов
Мусаххиха: Машкура Нурмухамедова
Дизайнер: Анна Ладина
Техник муҳаррир: Беҳзод Нурмухамедов

Лицензия рақами: А1 № 129, санаси: 12.11.2008 й.

Босишга рухсат этилган сана: 14.08.2012.

Офсет босма. Бичими 60x84 $\frac{1}{32}$. Босма табағи 1,5.

Шартли босма табағи 1,4. Офсет қоғоз.

Times гарнитураси. Кегл 12.

Адади: 500 нусха. Буюртма: № 81.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“Ofset print” МЧЖ босмаҳонасида босилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,

Махтумқули 1, уй